

## Уламоларнинг илмий суҳбатлари давом ЭТЯПТИ



21:00 / 08.07.2021 1413

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов бошчилигидаги уламолар Тошкент вилоятига ташрифи давомида масжидлар, маҳалла фуқаролар йиғини ва эҳтиёжманд оилалар хонадонида бўлмоқдалар.

Бугун, 8 июль куни юртимизнинг таниқли уламолари Тошкент вилояти Бекобод шаҳар ва Бекобод туманларига ташриф буюришди.

Жумладан, Дин ишлари бўйича қўмита раисининг биринчи ўринбосари Музаффар Комилов ва Тошкент шаҳар «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» жоме масжиди имом-хатиби Исмоил домла Муҳаммад Содиқ Бекобод шаҳар «Исломобод» жоме масжидига ташриф буюришди. Пешин намозини жамоат билан адо этгач, уламоларимиз масжид қавмига бир-бирдан гўзал маърузалар қилиб бердилар. Унда мамлакатимизда амалга оширилаётган хайрли ишлар, янгилик ва хушxabарлар, динимиз аҳкомлари, таълим-тарбиянинг аҳамияти ҳақида алоҳида тўхталиб ўтдилар. Шунингдек, уламолар мўмин-мусулмонларни шаръий ва ижтимоий саволларига батафсил жавоб бердилар.

Шунингдек, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг маслаҳатчиси Салоҳиддин домла Шарипов Бекобод тумани «Ҳазрати мулла» жоме масжидига, Ислом цивилизация маркази ходими Аброр Мухтор Алий домла

ва Тошкент вилояти бош имом-хатиби Жасурбек домла Раупов Бекобод шаҳар «Оқ масжид» жоме масжидига, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг биринчи ўринбосари Ҳомиджон Ишматбеков Бекобод туманидаги «Амир Ҳамза» жоме масжидига, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг ўринбосари Иброҳим домла Иномов Бекобод шаҳар «Қора мазор» жоме масжидига, Тошкент шаҳар «Имом Термизий» жоме масжиди имом-хатиби Исҳоқжон домла Бегматов Бекобод тумани «Далварзин» жоме масжидига, Тошкент шаҳар бош имом хатиби ўринбосари Абдуқаҳҳор Юнусов Бекобод шаҳар «Нўмон ибн Собит» жоме масжидида илмий суҳбатлар қилиб бердилар.

Уламоларнинг намозхонлар билан учрашуви, маънавий-маърифий илмий суҳбатлар, аҳолининг билим савиясини оширишга, юртимизда амалга оширилаётган ислохотлардан хабардор бўлишига сабаб бўлмоқда.





